



## МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Холмуродов Отабек Нормаматовичнинг**  
Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти  
ORCID: 0009-0004-7946-7312  
[otabekxolmurodov23@gmail.com](mailto:otabekxolmurodov23@gmail.com)

**Аннотация.** Мақолада ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг молиявий натижалар аудитини такомиллаштириш масалалари ёритилган. Амалиётдан олинган маълумотларни асосида молиявий натижалар аудитини ўтказиш тартиби баён қилинган.

**Калит сўзлар:** даромад, харажат, фойда, молиявий натижа, аудит, АХС.

## СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ АУДИТА ФИНАНСОВЫХ РЕЗУЛЬТАТОВ

**Холмуродов Отабек Нормаматович**  
Каршинский инженерно-экономический институт

**Аннотация.** В статье рассмотрены вопросы совершенствования аудита финансовых результатов субъектов хозяйствования. Описан порядок проведения аудита финансовых результатов на основе информации, полученной из практики.

**Ключевые слова:** доход, себестоимость, прибыль, финансовый результат, аудит.

## IMPROVING THE AUDIT OF FINANCIAL RESULTS

**Kholmurodov Otabek Normamatovich**  
Karshi Engineering Economics Institute

**Abstract.** The article describes the issues of improving the audit of financial results of business entities. The procedure for conducting an audit of financial results based on the information obtained from the practice is described.

**Key words:** income, cost, profit, financial result, audit.

### Кириш.

Молиявий ҳисобот фойдаланувчиларини ишончли ахборот билан таъминлаш аудиторлик хизматлари сифатини умумтан олинган халқаро стандартлар асосида амалга оширишни талаб этади, бу эса ўз навбатида молиявий ахборотнинг муҳимлиги ниоширади ва маълумот рискени камайтиради. Шу ва юқоридагилардан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-677-сон Қонунининг 9-моддаси шакллантирилиб АХС билан боғлиқ норма киритилди (2021). Бу АХСни Ўзбекистонда қонунчилик талаби асосида (required by law) тан олиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори 2022 йил 11-апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллаш учун аудитнинг халқаро стандартларини тан олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 171-сон қарори билан аудиторлик фаолиятининг халқаро стандартларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллаш учун уларни тан олиш тартиби белгиланди.

Ушбу қарорга асосан “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллаш учун аудитнинг халқаро стандартларини тан олиш тартиби тўғрисида НИЗОМ” (2022) тасдиқланди. Низомда аудитнинг халқаро стандартларига қуйидагилар кириши қайд этилди:

- аудитнинг халқаро стандартлари;
- сифат назоратининг халқаро стандартлари;
- таҳлилий текширишларнинг халқаро стандартлари;
- ишончни таъминлайдиган топшириқларнинг халқаро стандартлари;
- турдош хизматларнинг халқаро стандартлари (2022).

### Адабиётлар шарҳи.

Иқтисодий адабиётларда аудит, молиявий натижалар аудити турлича талқин қилинганлигини келтириб ўтамыз.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 февралдаги “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-677-сон Қонунида “аудиторлик фаолияти – аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик хизматларини кўрсатиш бўйича тадбиркорлик фаолияти” деб эътироф этилган. Ушбу қонунда аудиторлик текширувига қуйидагича таъриф берилган: “Хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботининг ва у билан боғлиқ молиявий ахборотининг аудиторлик текшируви текшириладиган молиявий ҳисоботнинг ҳамда у билан боғлиқ молиявий ахборотнинг ишончилигини ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқлигини аниқлаш мақсадида аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказилади (Қонун, 2021).

Якимованинг қуйидаги фикрларини келтириш мумкин: “ҳозирги шароитда аудитда парадигматик ўзгаришлар рўй бериб, унинг шакли анъанавийдан интеллектуал аудитга айланмоқда, унинг методологияси ҳам технологияларга асосланмоқда” (Якимова, 2020).

Кудриннинг фикрича, Россияда 3 йил ичида рақамли аудитга ўтиш мумкин экан. Унинг ёзишича, биринчи навбатда молиявий аудитни рақамлаштиришдир, рақамли аудит моделини яратилади (Кудрин, 2020).

Панковнинг (2019) ёзишича, ҳисоботлардаги ахборотларга нисбатан ўтказилаётган анъанавий аудит ҳозирги талабларга жавоб бермай қолди. Келажакдаги аудитнинг методологияси рискка йўналтирилган концепцияга асосланади деган хулосага келган. Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, рақамли иқтисодиёт шароитида, нафақат аудитнинг назарий масалалари, унинг амалиёти, методи ва аудиторлик жараёнида ҳам катта ўзгаришлар бўлади (Панков, 2019).

Козлова (2021) аудитни рақамлаштиришни қуйидагича тасавур қилади: “Аудитни рақамлаштириш – бу корхоналарда аудитни тўлиқ масофадан ўтказишдир”.

Мелиев ва Дагаровларни такидлашча масофавий тарзда аудиторлик хизматларини ташкил этиш ва ўтказишда қўйилган мақсадга эришиш учун нафақат IT технологиялар воситаларидан фойдаланиш, балки аудитнинг илғор автоматлашган дастурлари, молиявий таҳлил дастурлари, электрон рақамли имзо хизматини жорий этиш ва кўрсатиладиган аудиторлик хизматлари сифатини тасдиқловчи аудиторни тайинлаш орқали эришиш мумкин (Мелиев ва бошқалар, 2020).

Варламова ва Алексеевалар эса рақамли аудитга таъриф беришган: “Рақамли аудит – бу маҳсулотни яратишнинг ҳар бир босқичида аудиторлик текшируви учун зарур шарт-шароитларни яратиш” (Варламова ва бошқалар, 2020).

Подольскийнинг (2011) таъкидлашича, «молиявий аудит (молиявий ҳисобот аудити) молиявий маълумотларнинг ишончлилигига баҳо беради. Молиявий аудит биринчи навбатда мустақил аудиторлар томонидан амалга оширилади, уларнинг иши молиявий ҳисобот бўйича хулоса беришдир».

Кўзиев ва бошқалар (2019) «Молиявий ҳисоботаудити –бундай текширув молиявий ва бухгалтерия ходимлари томонидан ўтказилиб, асосан корхонанинг тўлов қобилияти, молиявий натижалар, сотиш жараёнларининг ҳисоботла-рида қанчалик даражада акс эттирилганлиги текширилади».

Шеремет ҳозирги замон иқтисодиётида аудитни ривожлантиришда қатор муаммолар борлигини кўрсатиб ўтган. Биринчи муаммо аудитнинг моҳияти билан боғлиқ. Аудит молиявий ҳисоботларни ишончлилигини констатация қилиш билан чекланмасдан, у бизнесни самарадорлигига баҳо берувчи маълумотларни таҳлил қилиши керак.

Иккинчи муаммо–бу бирлаштирилган, уйғунлаштирилган ҳисоботларнинг ишончлилигини аудит қилишни шаклланишидир. Уйғунлаштирилган ҳисоботларнинг ишончлилигини аудит қилиш, молиявий ҳисоботларни анъанавий аудитидан фарқ қилади. Учинчи муаммо – бу барқарор ўсиш кўрсаткичлари тизими ва уларни бизнес самарадорлигига таъсиридир.Тўртинчи муаммо – корхоналарнинг барқарор ўсишини характерловчи кўрсаткичлар таҳлили ва баҳолаш билан боғлиқ муаммолар. Бешинчи муаммо, аудитнинг халқаро стандартларини амалиётга жорий этиш билан боғлиқ муаммолар. Олтинчи муаммо – аудиторларни такрор ишлаб чиқариш, тайёрлаш ва қайта тайёрлашдир (Шеремет, 2019).

Каморджанованинг (2018) ёзишича, Р.П.Булыга ўзининг илмий ишларида рақамли иқтисодиёт шароитида аудиторлик текширувининг моҳияти ва ривожланишга ахборот технологияларининг таъсирига алоҳида урғу берган. Рақамли технологиялар даври туфайли аудитор ўзига хос имкониятлар эгасига айланмоқда. Сўъний интеллект манбаларидан фаолроқ фойдаланган ҳолда такомиллаштирилган дастурий таъминот бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик касбининг трансформация бўлишига ҳисса қўшди. Шундай қилиб, рақамли иқтисодиёт шароитида аудитор замонавий технологиялар ва маълумотларни таҳлил қилиш методлари тўғрисидаги билимларни эгаллаши зарур.

Молиявий натижалар аудитида фойда солиғи аудити ҳам муҳим ҳисобланади.

Киреева: (2016) “нафақат алоҳида солиқ турлари бўйича солиқ аудитини ўтказиш, балким, алоҳида солиқ турлари бўйича солиқ аудитини ўтказиш бўйича компанияларнинг ички аудит стандартларини ишлаб чиқиш зарур”.

Сафонова ва Щербаковалар: (2014) “фойда солиғи бўйича солиқ аудитининг илмий асосланган методикани ишлаб чиқиш долзарб масала ҳисобланади”.

Шиханова (2015) фойда солиғи аудитининг методикасини ишлаб чиқишнинг зарурлиги ва аҳамиятини қуйидагича эътироф этган: “Фойда солиғи аудитининг методологиясини ишлаб чиқиш, бу нафақат ўтказилаётган аудитнинг меҳнат оғирлигини пасайтиради, балким, уларнинг сифатини оширади, аудиторлик далилларининг етарлиги ва ишончлилигини таъминлайди”.

### **Тадқиқот методологияси.**

Тадқиқотимиз методологияси бўлиб молиявий натижаларнинг аудити билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар ҳисобланади. Тадқиқот жараёнида амалий материалларни таққослаш ва гуруҳлаш каби усуллардан фойдаланилиб, хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди.

### **Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**

Молиявий натижалар аудитини ўтказишда унинг мақсади белгилаб олинади.

Молиявий натижалар аудитининг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

foyda va zararlar moлиявий ҳисоботларда тўғри акс эттирилганлигини текширинг;

9000 ва 9100 счётларда даромадлар ва харажатларни акс эттиришнинг тўғрилигини текшириш;

молиявий натижалар билан боғлиқ бошқа счётлардага суммаларнинг тўғрилигини теахқшириш;

foyda va zararlar moлиявий ҳисоботларда тўғри акс эттирилганлигини текшириш;

компания раҳбариятининг соф фойдадан фойдаланганлигининг асосланганлигини текшириш.

Молиявий натижалар аудитини ўтказишда асосий фаолиятдан олинган даромадларни акс эттирувчи қуйидаги бухгалтерия ҳисоб счётларидаги ёзувлар ўрганилади:

9010 “Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар”;

9020 “Товарларни сотишдан даромадлар”;

9030 “Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар”.

Аудитор ҳисобот даври якунида 9010 “Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар”, 9020 “Товарларни сотишдан даромадлар” ва 9030 “Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар” счётларни 9910 “Якуний молиявий натижа” счёти билан ёпилиши билан боғлиқ бухгалтерия ёзувларини текширади.

Юқоридагидек ўрганиш 9200 “Асосий воситалар ва бошқа активларнинг чиқиб кетишини ҳисобга олувчи счётлар” ва 9300 “Асосий фаолиятнинг бошқа даромадларини ҳисобга олувчи счётлар” бўйича ҳам ўтказилади.

Молиявий натижалар аудитини ўтказишда харажатларнинг асосланганлиги ва тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланганлиги текширилади. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 305-моддасида “асосланган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган чиқимлар харажатлар деб эътироф этилган” (Кодекс, 2024).

Асосланган харажатлар деганда баҳоси пул шаклида ифодаланган, иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаган чиқимлар тушунилади.

Ҳар қандай чиқимлар, қуйидаги шартлардан бирига мувофиқ келган тақдирда, иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаган чиқимлар деб эътироф этилади:

1) даромад олишга қаратилган фаолиятни амалга ошириш мақсадида қилинган бўлса;

2) шундай тадбиркорлик фаолиятини сақлаб туриш ёки ривожлантириш учун зарур бўлса ёхуд хизмат қилса ва харажатларнинг тадбиркорлик фаолияти билан алоқаси аниқ асосланган бўлса;

3) қонун ҳужжатларининг қоидаларидан келиб чиқса.

Ҳужжатлар билан тасдиқланган харажатлар деганда қуйидаги ҳужжатлар билан тасдиқланган чиқимлар тушунилади:

1) Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ расмийлаштирилган ҳужжатлар;

2) тегишли харажатлар амалга оширилган чет давлат ҳудудида қўлланиладиган тартибга мувофиқ расмийлаштирилган ҳужжатлар.

Аудит ўтказиш жараёнида харажатларнинг қуйидаги таркиби текширилади:

даромад олиш билан боғлиқ барча харажатлар;

амортизация харажатлари, номоддий активлар амортизация харажатлари;

инвестициявий чегирма;

фоизлар ва айрим чиқимлар бўйича харажатлар;

умидсиз қарзлар бўйича харажатлар;

қўшилган қиймат солиғига доир харажатлар;

захира фондларини шакллантириш харажатлари;

келгуси харажатлар учун захирани шакллантириш харажатлари.

Юқоридаги харажатларнинг асосланганлиги ва хужжатлар билан тасдиқланганлиги текширилгандан кейин солиққа тортилганга қадар фойда солиғининг тўғрилиги аниқланади. Даромад, харажат ва фойда солиғи суммалари "Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот" 2-шаклдаги маълумотлар фойда солиғи бўйича солиқ ҳисоботи шаклларидаги (Қарор, 2020) маълумотлар билан солиштирилади. Аниқланган фарқлар бўйича тегишли хулоса қилиниб, аудит далолатномасига киритилади.

1-жадвал

**Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларга ўтган "UZBAT AO" AKSIYADORLIK JAMIYATI томонидан тақдим этилган умумлашган даромадлар тўғрисидаги МАЪЛУМОТ (минг сўм)**

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	2022 йил	2023 йил
<b>Соф тушум, (сатр.020+030+040+050)</b>	010	2042488831,00	2753975643,00
маҳсулот сотишдан	020	1948023602,00	2562708403,00
хизматлар кўрсатишдан	030	552 598,00	583 736,00
қурилиш шартномалари бўйича	040		
Бошқалар	050	93 912 631,00	190 683 504,00
Сотилган маҳсулот (товар, хизмат)ларнинг таннари	060	743 345 681,00	1040230588,00
<b>Ялпи даромад, (сатр.010-060)</b>	070	1299143150,00	1713745055,00
Бошқа операцион даромадлар	080	7 899 452,00	20 042 564,00
Сотиш харажатлари	090	237 198471,00	379 459 530,00
Маъмурий харажатлар	100	74 637 831,00	90 555 823,00
Бошқа харажатлар	110	141 991659,00	120 614 721,00
<b>Операцион даромад, (сатр.070+080-090-100-110)</b>	120	853 214641,00	1143157545,00
<b>Қадрсизланиш бўйича зарарлар/тикланиш (сатр. 140+150+160)</b>	130		-10 654 215,00
Молиявий активлар бўйича	140		-1 680 008,00
Товар моддий захиралар бўйича	150		-8 974 207,00
Бошқа активлар бўйича	160		
Дивидендлар тарзидаги даромадлар	170		
Валюта курси фарқидан фойда ва зарарлар *	180	-951 254,00	-2 034 774,00
Фоиз тарзидаги даромадлар	190	17 280 161,00	11 180 702,00
Фоиз тарзидаги харажатлар	200		
Молиявий ижарадан даромадлар	210		
Молиявий ижара бўйича харажатлар	220		
Бошқа даромад ва харажатлар *	230		
<b>Солиққа тортиладиган фойда/зарар (сатр. 120+130+170+180+190-200+210-220+230)</b>	240	869543548,00	1141649258,00
Фойда солиғи	250	144257214,00	153 049 155,00
Фойдадан бошқа солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар	260		
<b>Соф фойда/зарар (сатр. 240-250-260)</b>	270	725286334,00	988600103,00
<b>Бошқа умумлашган даромад/харажатлар</b>	<b>х</b>	<b>х</b>	<b>х</b>
Асосий воситалар бўйича қайта баҳолаш резервлари	280		
Бошқа умумлашган даромадлар	290		
<b>Бошқа умумлашган даромадлар (зарарлар) (сатр.280+290)</b>	300		
<b>Жами умумлашган даромадлар (сатр. 270+300)</b>	310	725286334,00	988600103,00

Молиявий натижалар аудитини ўтказишда счётлардаги ёзувлардан ташқари Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитасининг “Солиқ ҳисоботининг шакллари тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори билан солиқ ҳисоботларининг шакллари тасдиқланди ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 24 февралда рўйхатдан рақами 3221 ўтказилди. Ушбу қарор билан молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларга ўтган юридик шахсларнинг солиқларини ҳисоблаб чиқиш учун зарур бўлган кўрсаткичлар бўйича алоҳида 13-илова қилиб киритилган умумлашган даромадлар тўғрисидаги маълумотлар бўйича кўрсаткичларнинг тўғрилиги текширилади (1-жадвал).

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларга ўтган "UZBAT AO" AKSIYADORLIK JAMIYATI томонидан тақдим этилган умумлашган даромадлар тўғрисидаги маълумотлар ўрганилди. 2023 йилда соф тушум 2022 йилда 2 042 488 831 минг сўм бўлган бўлса, 2023 йилда 2 753 975 643 минг сўмни ташкил этиб, 2022 йилга нисбатан ўсиш бўлган. 2023 йилда 153 049 155 минг сўм фойда солиғи ҳисобланган. Соф фойда 988 600 103 минг сўмни ташкил этган.

Аудитор маълумотнома кўрсаткичларини бухгалтерия ҳисоби счётларидаги ёзувлар билан солиштиради.

Аудиторлик текшируви натижалари белгиланган тартибда далолатнома билан расмийлаштирилади.

### Хулоса ва таклифлар.

Молиявий натижалар аудитини такомиллаштириш мақсадида аудитнинг халқаро стандартларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Аудитни сифатли ўтказиш мақсадида унинг асосий мақсадини белгилаб олган ҳолда, кўпроқ аниқ ахборот манбалардан далилларни тўпланиши таклиф қиламиз.

Аудиторлик текширувларнинг самарадорлигини таъминлаш мақсадида, аудиторлар аудитнинг халқаро стандартлари бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлиши лозим.

### Адабиётлар / Литература/ Reference:

Qo'zиеv I.N. (2019) va boshqalar. Audit: Darslik. –T.: Iqtisod-Moliya, 186. 416 b

Каморджанова, Н.А. (2018) Цифровая экономика: изменения в аудите / Н. А. Каморджанова // Стратегии развития предпринимательства в современных условиях. – С. 101–103.

Киреева В.В. (2016) Разработка методического подхода к формированию системы внутрифирменных стандартов налогового аудита. Таврический научный обозреватель. №5.

Кодекс (2024) Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 305-моддаси.

Козлова Н. (2021) Цифровизация аудита и консалтинга - наша реальность. <https://zen.yandex.ru/media/finexpertiza/cifrovizaciia-audita-i-konsaltinga-nasha-realnost-nina-kozlova-vystupila-na-professionalnoi-vstreche-raex>.

Кудрин Алексей: (2020) за три года Счетная палата перейдет на цифровой аудит. <https://finrussia.ru/news/aleksey-kudrin-za-tri-goda-schetnaya-palata-pereydet-na-tsifrovoy-audit/>.

Қарор (2020) Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 28 январдаги “Солиқ ҳисоботининг шакллари тасдиқлаш тўғрисида” ги 2020-03-сонли қарори [Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 24 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3221].

Қонун (2021) Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 февралда тасдиқланган “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-677-сонли қонуни.

*Низом (2022) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори 2022 йил 11 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллаш учун аудитнинг халқаро стандартларини тан олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 171-сон қарори.*

*Панков В.В. (2019) Трансформация института аудита в условиях применения цифровых технологий. Журнал “Аудит” №12-2019.*

*Подольского В.И. (2011) Аудит: Учебник. –М.: Юнити UNITY, С. 29.*

*Сафонова М.Ф., Щербакова Е.А. (2014) Подходы к организации аудита налога на прибыль торговых организаций. /Международный бухгалтерский учет. № 35(329).*

*Шеремет А.Д. (2019) Некоторые проблемы развития аудита. Журнал “Аудит” №1.*

*Шиханова Р.М. (2015) Развитие методологии аудита налога на прибыль: автореферат диссертации кандидата экономических наук: 08.00.12. Санкт-Петербург, - 12 с.*

*Якимова В.А. (2020) Возможности и перспективы использования цифровых технологий в аудиторской деятельности. Вестник Санкт-Петербургского университета. Экономика. –Т. 36. Вып. 2. С. 287-318.*